

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Ёшлар ишлари агентлиги
директори ўринбосари,
Харид комиссияси раиси**



Д.Каттаханова

**“Ёшлар ўртасида онлайн интеллектуал олимпиадалар ташкил этиш ва
ўтказиш юзасидан**

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ
ХУЖЖАТИ**

Тошкент 2022 йил

III. БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

- 1.1. Тўлиқ номи: Ёшлар ўртасида онлайн интеллектуал олимпиадалар ташкил этиш ва ўтказиш.
- 1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги.
- 1.3. Давлат буюртмаси асосида энг яхши таклиф: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра аниқланади.
- 1.4. Давлат буюртмасининг максимал нархи: **772 760 000 (етти юз етмиш икки миллион, етти юз олтмиш минг) сўм.**
- 1.5. Давлат буюртмасини муддати: 2022 йил 31 декабрга қадар.
- 1.6. Молиялаштириш манбалари: Ёшларга оид давлат сийёсатини маблағлари ҳисобидан.

2. Техник талаблар

- 2.1. Ёшлар ўртасида онлайн интеллектуал олимпиадалар ташкил этиш ва ўтказиш учун техник вазифа:

Лойиҳа ҳақида қисқача маълумот: Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва илм олишига бўлган ҳаракатларини муносиб рағбатлантириш мақсадида тизимли равишда онлайн олимпиадалар ўтказиш. Бунда 3 йўналишида Telegram ижтимоий тармоғида бот орқали амалга оширилади.

Олимпиадани ўтказиш шартлари, муддатлар ва ҳолибларни тақдирлаш механизми:

1-йўналиш: жамиятнинг барча қатлами учун мўлжалланган, 1 ой муддатга эълон қилинади. Олимпиада телевидение, интернет сайтлар ва блогерлар томонидан кенг тарғиб қилинади. Энг кўп балл йиғиб бораётган Top 50 нафар иштирокчи рўйхати Telegram бот орқали доимий бериб борилади. Энг юқори натижага эришган 100 киши Тошкентга жонли олимпиадага таклиф этилади. Ҳолиб 100 млн сўм пул мукофотига сазовор бўлади, қолган 99 иштирокчи 1 млн сўмдан маблағ олади. Олимпиада иштирокчилари ўртасида қўшимча махсус танловлар ўтказилади, ҳолибга Ёшлар ишлари агентлиги томонидан планшет ва ноутбуклар тақдим этилади.

2-йўналиш: олий ўқув юрти талабалари учун. Иштирокчилар тест ечиб, балл йиғиб боради. Ўзбекистон Республикаси бўйлаб, барча олий ўқув юртларида таҳсил олувчи ёшлар олимпиадада қатнашади. Энг кўп балл олган жами 50 нафар талаба махсус пул мукофотига эга бўлади. Улар 1 млн сўм миқдорига бир марталик пул мукофотини олади.

3-йўналиш: китобхонликка оид тестлардан иборат бўлади ва доимий равишда саволлар янгиланади. Ҳар бир ҳолибга ноутбук Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тақдим этилади. Олимпиада йил якунига қадар давом этади.

Олимпиада жараёнлари оммавий ахборот воситалари ва таниқли блогерларнинг ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларида ёритилиши:

Телевидения: - "Yoshlar" телерадиоканали, "Mening yurtim" телеканалли

Матбуотда: - "Yoshlar ovozi" газетаси

Интернет нашрларида: - Oliygo.uz, Teznews.uz, Grantgo.uz

Блогерлар: Zafarbek Solijonov, Shahnoza Soatova, Fayzbog', Platforma.uz, Bahodir Ahmedov, Masofaviy ta'lim, Yoshlarni qo'llab-quvvatlash, Uzbekistanuz, Nurbek Alimov, Yoshlar ovozi, Kitobxon INFO

Хизматлар ва хизмат кўрсатишга мурожаат этувчилар учун мажбурий талаблар:

- Танлов ёки олимпиадалар ўтказиш борасида тажрибага эга бўлиши;
- Оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳамкорликнинг мавжудлиги;
- Telegram бот юритиш бўйича мутахассисларнинг жамоада мавжудлиги